



TIQXMMI
Тошкент Ирригация ва Қишлоқ Хўжалигини
Механизациялаш Муҳандислари Институти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ



“ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИНИНГ ЗАМОНАВИЙ МУАММОЛАРИ”

мавзусидаги анъанавий **XVII – ёни**
олимлар, магистрантлар ва
иқтидорли талабаларнинг илмий-
амалий анжумани

17

*XVII – traditional Republic
scientific – practical conference
of young scientists, master
students and talented students
under the topic*

**“THE MODERN PROBLEMS
OF AGRICULTURE AND
WATER RESOURCES”**

МАҶОЛАЛАР ТҮПЛАМИ

Тошкент – 2018 йил 12 – 13 апрель

156.	Ziyaeva Sh.K. – assistant, Hafizov O. – teacher of the academic lyceum, Tulqinov S. – student, ТПАМЕ	Main objectives and problems of informatization of the higher education	439
157.	Каландаров У. – студент, ТИИИМСХ	О корреляционном анализе и её применение в решение сельскохозяйственных задач	441
158.	Джамолов К. – доцент ТИИИМСХ	Теорема о продолжении функции из пространства $B_{(\bar{p}),\theta}^{r(j)}(E^{n-1})$ в пространство $B_{(\bar{p}),\theta,\alpha}^l(E_\alpha^{+n})$	445
159.	Джамолов К. – ТИҚҲММИ доценти	Тиндиригчнинг бузулмасдан ишлаш эҳтимолини аниқлаш	448
160.	Кенджиева Д.Х. – ассистент, Таджибаев О.М. – студент, ТИИИМСХ	Важность внедрения информационных технологий в процесс самостоятельной работы студентов высших учебных заведений	450
161.	Нурмуродова Р.Б. – студент, ТИИИМСХ	Анализ и функционивоние рынка информационных услуг в Узбекистане	453
162.	Норбоева Д. – талаба, Тўраев Ф.Ж. – ассистент, ТИҚҲММИ	Функция дифференциалининг амалий масалаларга тадбиғи	456
163.	Пиримқулов Ж. – магистрант, ТИҚҲММИ	Суғорма деҳқончилик билан фаолият юритувчи фермер хўжаликларида ресурслардан оқилона фойдаланишни математик моделлар орқали таҳлил қилиш	458
164.	Муротов Д.М. – талаба, ТИҚҲММИ	Айланани teng тоқ бўлакларга бўлувчи ўқув учбурчакликларни лойиҳалаш асослари	461
165.	Хидоятова М.А. – ассистент, Эльмуратов Ф. – студент, ТИИИМСХ	Применение комплексных чисел в решение задач электротехники	465
166.	Холова С., Озодов Э. – магистрантлар, ТИҚҲММИ	Таълим жараёнини автоматлаштирилган ахборот тизимлари асосида такомиллаштириш	469
167.	Зияева Ш.К., ассистент, Бекибаев А. – старший преподаватель. ТИИИМСХ	Роль информационной технологии в высшем образовании	472
168.	Komilova X.M. – assistent, S.O.Boymurodov – talaba. TIQXMMI	Aniq integralning amaliy masalalarga tadbiqi	474
169.	Комилова Х.М. - ассистент, М.М.Сапарова талаба(ГИМ)	Алгебраик тенгламалар системасини ечиш(Гаусс усули)	476

10 –ШЎЬБА
Хаёт фаолияти хавфсизлиги масалалари

170.	Абдиразоқов Ш. – ТИҚҲММИ талабаси	Саноат корхоналари бош тархини лойиҳалашда ёнғин хавфсизлиги	480
------	--------------------------------------	-----------------------------------------------------------------	-----

қийматидан юқори бўлгандагина самарали бўлиши мумкин.

Бу фақат бир содда математик моделни сифат жиҳатидан ўтказилган тадқиқотларимиз асосида муҳим хулосаларга келдикки, албатта бундай хулосаларга реал ҳаётдаги кузатишлар ва тажрибалар ўтказиш йўли билан эриша олмасдик. Бу эса математик моделлаштиришнинг бошқа методлардан афзаллигининг яна бир исботидир.

Адабиётлар:

1. А.Н. Малихов и Л.С. Бернштейн, Ситуационные совстующие системы. М. Наука. 1990 год.
2. Жўраев Т. Ва бошқалар. “Олий математика асослари”. Тошкент. Ўқитувчи. 1995 йил.
3. Н.С. Пискунов., “Дифференциал ва интеграл ҳисоб”. Том 2. Москва. Наука. 1986 йил.

СУФОРМА ДЕҲҚОНЧИЛИК БИЛАН ФАОЛИЯТ ЙОРИТУВЧИ ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА РЕСУРСЛАРДАН ОҚИЛОНАФОЙДАЛАНИШНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАР ОРҚАЛИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ

Пиримқулов Ж. – магистрант, ТИҶХММИ

Аннотация

Мақолада Республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида фермер хўжалигига сув ва бошқа ресурслардан оқилона фойдаланишни иқтисодий математик моделлар орқали таҳлил қилиш усуллари келтирилган.

Мамлакатимизда кейинги йилларда ички бозорни озиқ-овқатмаҳсулотлари билан тўлдириш ва экспорт салоҳиятини оширишни таъминловчи қишлоқ хўжалиги соҳасидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, соҳани замонавий техник ва технологик қайта жиҳозлаш, модернизация қилиш борасида эътибор қаратиб келинмоқда.

«2018 йилда фермер хўжаликларини босқичма-босқич кўп тармоқли фермер хўжаликларига айлантириш» бўйича дастуришлаб чиқилди [1]. Таасиқланган дастурга кўра, ўтган 2017 йилнинг ўзида 23800та фермер хўжалиги кўп тармоқли хўжалик турига ўтди.

Кўп тармоқли фермер хўжаликлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга, уларни чуқур қайта ишлаш, қурилиш ишларини амалга ошириш ва қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш каби йўналишларда самарали фаолият кўрсатмоқда ва ўз истиқболини топмоқда.

Фермер хўжалигига бозор муносабатларининг шаклланишининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, бу ерда ишлаб чиқаришнинг бош воситаси жонли табиатнинг қисми бўлган-ер ва сув, умумхалқ мулки бўлиб, улар хусусий мулк бўла олмайди ва олди-сотди предмети ҳам бўла олмайди [2].

Сув ва бошқа ресурсларни сақлаш ва улардан оқилона фойдаланишни режалаштириш сўнгги пайтларда фермер хўжаликларини бошқаришнинг энг интенсив ривожланаётган бўлимларидан биридир. Унинг асосини табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва табиатни муҳофаза қилиш бўйича олиб борилаётган илмий текшириш ишлари ташкил қиласди. Суғорма дехқончилик билан шуғулланувчи фермер хўжалигига сувва суғориш режими асосий лимитланган фактор бўлиб, табиатни муҳофаза қилишни ва энг муҳим муҳофаза талабаларини ҳисобга олган ҳолда оптималлаштириш экологик

сувдан фойдаланишнинг биринчи даражали иқтисодий масаласи ҳисобланади. Ҳозирги шароитда иқтисодиётни либераллаштиришнинг алоҳида аҳамияти экологик сувдан фойдаланишни бошқаришнинг илмий асосига тегишилдири.

Иқтисодиёт ва экология ўзаро боғлиқ омиллар ва ресурслар орқали бир-бии билан боғланган. Шулардан бири сув ресурси ва унинг етишмовчилиги-лимитланган фактор эканлигидадир. Бу ҳодисалар фермер хўжаликларида сувга талаб жуда юқори бўлган сугорма дехқончилик шароитида яққол кўзга ташланади. Бундан келиб чиқадики, замонавий ишлаб чиқариш экология талабларини ҳисобга олиши ва сувни тежайдиган шундай технологиядан фойдаланиши керакки, натижада у мавжуд биосфера, гидросферага органик суратда қўшилсин.

Сув ресурсларидан энг самарали фойдаланиш масаласи шундан иборатки, энг кам ҳаражатлар сарф қилиб энг кўп маҳсулот етиштиришдир. Сувдан фойдаланиш замонадорлигини баҳолаш унинг нархи бўйича эмас, балки сув истеъмол қилувчи олган самара билан ўлчанади. Бундан келиб чиқадики, сувдан фойдаланишни оптимал режалаштириш экологик нуқтаи назарни ҳисобга олган ҳолда сувнинг маҳсулдорлигини оширишдан иборат бўлиши керак.

Ирригация мелиорация соҳасида, корхоналар томонидан унинг туманлардаги сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларини тежаш ва тўғри тақсимотини амалга ошириш, сув иншоотлари, бетон қопламали каналлар ҳамда ариқларнинг сув ўтказиш қобилиятини таъминлаш ва яхшилаш каби тадбирлар амалга оширилмоқда. Экин майдонларига сув етказиб беришда навбатма-навбат суғориш тартиби қўлланиб, хўжаликлар узлуксиз сув билан таъминланади. Сувдан оқилона фойдаланиш натижасида бу усул қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришда қўл келмоқда.

Бугунги кунда суворма дехқончиликнинг ривожи ҳалқ хўжалигига катта аҳамиятга эга ва бу албатта суғориладиган майдонларда олиб бориладиган ирригация-мелиорация тадбирлар билан боғлиқ.

Мелиоратив тадбирларнинг асосий ҳамда самарали усули бўлиб, коллектор-дренаж тизимларини қуриш ва бу орқали сизот сувлари сатҳини меъёр даражасида тутиб туриш, суғоришда ва шўр ювиш ишларида бериладиган сувларни майдондан ташқарига чиқариб юбориш орқали ерларнинг иккиласишини олдини олиш усули ҳисобланади.

Сувни тақсимлаш жараёнларини оптимизациялаш суғориладиган майдонлардаги намлик захирасини ҳисоблашнинг қай даражада аниқлигига боғлиқ .

Ҳосилдорликни ошириш микдорини сув билан таъминланганликни оширишдан боғлиқлигини бир қатор экинлар ҳосилдорлигини кўп йиллик таҳлиллар натижасига асосланади. Иккинчи босқичда суғориш тизимлари оптимал параметрлари аниқланади. Бунинг учун турли даражадаги таъминланишнинг суғориш тартиблари берилади ва натижада бир неча ҳисоб варианatlари топилади. Буларни ҳисоб варианatlарини амалга ошириш ва оптимал таҳлил қилишда математик усуллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

Фермер хўжаликларининг фаолиятини математик моделлар орқали таҳлил қилиш масаласини ҳал қилиш алгоритми куйидаги босқичлардан иборат:

1. туман микёсидаги фермер хўжаликларининг фаолияти ҳақида маълумотлар базасини ҳосил қилиш ва уни маълумотлар билан тўлдириш;
2. фермер хўжаликларининг иерархик моделини ҳосил қилиш;
3. бошқарув тизимишининг барча обьектлари бўйича иқтисодий замонадорлик дарражасини аниълаш;
4. босқич-иктисодий замонадорлиги паст бўлган жойларни таҳлил қилиш ва унинг сабабларини ўрганиш;
5. иқтисодий замонадорликни оширишга доир кўрсатмалар ишлаб чиқиши.

Бу келтирилган босқичларда бажариладиган вазифаларни амалга ошириш қўйидагиларни ўз ичига олади:

- Биринчи босқичда ишлаб чиқилган жадваллар ёрдамида туман фермер хўжаликлари ҳақида маълумотлар базаси тузилади ва кейинчалик мос қўрсаткичларни йиғиш ёрдамида бу обьектлар бўйича ялпи маҳсулот ҳажми ва фаолиятга лаёкатли фермер хўжаликлари сони аниқланади.
- Ҳар бир обьект бўйича маҳсулот турига қараб ишчилар сони, ялпи маҳсулот ҳажми ҳисобланади ва аввалги йиллар ҳисобот маълумотлари билан солиширилади. Бундан ташқари ушбу босқичда бошқарувнинг юқори бўғини учун бирламчи маълумотлар тайёрланади. Бу босқичда таҳлил қилинаётган тизимнинг информацион мантиқий модели яратилади.
- Бу босқичда барча фермер хўжаликлари бўйича самарадорлик даражаси аниқланади ва натижажадвал кўринишида чоп этилади.
- Маҳсулот турига қараб иккинчи ва учинчи бўғинларда амалда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми солиширилади. Самарадорлиги паст бўлган жойлар ва уларнинг пайдо бўлиш сабаблари таҳлил килинади. Яъни дехқончиликда: ер майдони, ишлаб чиқариш технологияси, маҳсулотнинг сифати, ер унумдорлиги, чорвачиликда эса моллар бош сони, уларнинг маҳсулдорлиги ва шу каби омилларнинг таъсири ўрганилади.
- Бу босқичда маҳсулот тури бўйича таҳлил қилинаётган иккинчи ва учинчи бўғин обьектларида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириши мкониятлари аниқланади. Дехқончиликда ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати қўйидаги омилларга боғлиқ: бошқарув тизими, худуднинг табиий иқлим шароити, маҳаллий ва минерал ўғитларнинг турига қараб фойдаланиш даражаси, сервис хизмати қўрсатиш ва ҳоказо. Чорвачиликда эса ветеринар хизматининг даражаси, қўшимча озиқлантиришни қўллаш, чорва наслини яхшилаш каби омиллар таъсир кўрсатади. Бундан ташқари бу босқичда иқтисодий самарадорлик даражаси юқори бўлган фермер хўжаликлари гурухи аниқланади, улардан таклифлар ишлаб чиқишида фойдаланилади.

Фермер хўжалиги ишлаб чиқариши тузилмаси бўйича масала ечимининг натижаси кўпинча мавжуд ахборот тизимлари орқали аниқланади, яъни компьютерга чекланиш ҳажми ва технологик коэффициентлар сифатида киритилган ахборотлар орқали.

Ўзгарувчиларга қўйидаги шартлар кўйилади:

1. Умумий қишлоқ хўжалик ерлари бўйича:

$$\sum_{j \in S_1} x_j + \sum_{j \in S_2} x_j = x_o$$

2. Ҳайдаладиган ерлар бўйича:

$$\sum_{j \in S_1} x_j = x_n$$

3. Мехнат ресурслари бўйича:

$$\sum_{j \in S} t_{ij} x_j \leq T + x_{ti} \quad (i \in M_1), \quad S = S_1 \cup S_2 \cup S_3,$$

Бу ерда t_{ij} - 1 га майдонга тўғри келувчи сарф қилинган меҳнат нормаси ёки i - даврга мос келувчи (ўртacha бир йил, йиғим-терим даври учун ва ҳоказо) бир бош чорва моллар учун, одам-соат; T_i - i - даврдаги умумий меҳнат ресурслари; M_1 - танланган иш даврлари тўплами.

4. Зарур бўлган минерал ўғитлар ҳажмини ҳисоблаш бўйича:

$$\sum_{j \in S_1 \cup S_2} I_{N_j X_j = X_N}; \quad \sum_{j \in S_1 \cup S_2} I_{P_j X_j = X_p}; \quad \sum_{j \in S_1 \cup S_2} I_{K_j X_j = X_K},$$

Бу ерда I_N, I_P, I_K - 1 га майдон ҳисобида мос равишида солинадиган азотли, фосфорли ва калийли ўғитлар, кг таъсир қилувчи моддаларда [3].

Бу чекланишларни масаланинг шартига қараб кўпайтириш мумкин. Бу моделни ахборот билан тўлдириб, бирон бир математик моделлаштириш усулидан фойдаланиб, амалга ошириш натижасида олинган оптимал ечимни иқтисодий таҳлил қилиш мумкин.

Хуносат. Юқоридаги шартлар асосида ишлаб чиқилган математик моделлар фермер хўжаликлари ва улар гурухлари самарадорлиги кўрсаткичларини туман, вилоят миқёсида фаолияти ҳақидаги маълумотлар базаси орқали ҳамда олинган ечим асосида комплекс таҳлиллар ўtkазиш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёв. “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси” Т. 2017й.
2. Umurzoqov U.P., Toshboyev A.J., Toshboyev A.A. Fermer xo‘jaligi iqtisodiyoti. – Т.: IQTISOD- MOLIYA, 2007. – 226 б.
3. Г.Шадманова “Иқтисодий-математик усуллар ва моделлар” – Т.: ТИМИ, 2013 й.

Илмий раҳбар:

профессор Шадманова Г

АЙЛАНАНИ ТЕНГ ТОҚ БЎЛАКЛАРГА БЎЛУВЧИ ЎҚУВ УЧБУРЧАКЛИКЛАРНИ ЛОЙИҲАЛАШ АСОСЛАРИ

Муротов.Д.М – талаба, ТИҚҲММИ

Аннотация

Ушбу мақолада айланани teng тоқ бўлакларга амалий аниқ бўлувчи марказий бурчакларни математик ҳисоблаш дастури асосида ўта юқори аниқликда топилган учбурчақдан фойдаланиб аниқлаш максад қилиб қўйилди. Ҳисоблаш натижаларни назарий деб ҳисоблаб, айланани амалий аникроқ teng тоқ 5, 15, 11, 19 ва 7, 13, 9, 17га бўлакларга бўлувчи иккита тўғри бурчакли ўқув учбурчаклик ишлаб чиқилди.

Дастур замонавий дастурлаш тили бўлган «Delphi» тилида бажарилди ва унинг .exe файл ойнаси мақолада келтирилган.

Лойиҳалашда марказий α бурчакка икки томони бутун ва учинчи томони 0,000001 мм аниқлик(миллиондан бир)да бутунроқ сон бўлган учбурчаклар асосий омил бўлди.

Техникада, қурилиш ва архитектурада, чизмачиликда, ўймакорликда, бадиий графика ва нақшларда айланани teng бўлакларга ажратиш жуда катта аҳамиятга эга бўлиб, ундан кенг фойдаланилади.

Айланани teng 2, 3, 4, 5 ва 6 ҳамда уларни teng иккига, бурчак биссектрисасидан фойдаланиб, 8, 10 ва 12 бўлакларга циркул ва чизгичдан фойдаланиб аниқ бўлиш ҳамда уларни бурчаклари (градусларда) 30x60 ва 45x45 бўлган учбурчаклардан фойдаланиб ҳам аниқ ясаш ҳаммага маълум, бундан айланани teng 5 ва 10 га бўлиш истисно.

Амалиётда кенг фойдаланиб келинаётган бурчаклари (градусларда) 30x60 ва 45x45 бўлган учбурчакларни лойиҳалаш асосида, бурчаклари 30x60 тўғри бурчакли учбурчакнинг қарши ёки ён катети билан гипотенузаси орасида қўйидаги $\sin 30^\circ =$